ШАРТНОМА № 15

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

03 февраль 2022 йил Фарғона т.

Низом асосида фаолият юритувчи Мактаб-интернат № 86 номидан раҳбари М. Раҳмонова бундан буён «Харидор» деб юритилган, биринчи томондан ва Низом асосида фаолият юритувчи Волида ф/х номидан раҳбари З. Сатторов иккинчи томондан бундан буён «Сотувчи» деб юритилган ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани тузишдик.

1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1.«Сотувчи» ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса қабул қилиб олинган маҳсулот ёки товар (курсатилган хизмат) учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини олдилар.

1.2.«Сотувчи» «Харидор» га қуйидаги миқдор ва ассортиментда товар етказиб беради.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирл.	миқдори	Нархи	Суммаси	ККС		Жами суммаси ККС билан
						Ставка%	сумма	
1	Сут 2,5%	л	1200	3900	4680000	15%	702000	5382000
2	Творог	кг	60	13900	834000	15%	125100	959100
3	Сметана	л	20	10900	214000	15%	32100	246100
	Жами:							6587200

Товарларнинг шартномадаги умумий баҳоси: Олти миллион беш юз саксон етти минг икки юз сўм.

2.ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, маҳсулот (курсатилган хизмат)нинг 30 фоизи миқдорида пул маблағини утказиш йўли билан туловни амалга оширади.

2.2. «Харидор» томонидан олган 70 фоиз тулов «Сотувчи» томонидан товарлар етказиб берилиб, хисоб – фактура тақдим қилингандан сунг туланади.

3. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

3.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг товарни 3 кун муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

4. ТОВАР СИФАТИ

4.1. Етказиб берилаётган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабларига мос келиши шарт.

5. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вактида «Харидор»га товарни етказиб бериш;
- Шартномаининг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қуйиш ҳуқуқига эга;
- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилмаганлиги тутрисида биддиришнома олгандан сунг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартномаининг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.
- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларнинг хисоб-варакларда тулик ва аник номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошка курсаткичларини курсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик реквизитларни расмийлаштириши лозим.

5.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб уз вактида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқланганидан сунг, ушбу тутрисида тегишли далолатнома тузилиб бу хакида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.
- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган хисоб-варакларга асосан тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ва ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Узбекистон Республикаси Конунчилиги ва шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавоб берадилар.

6.2. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га товар ва махсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган махсулот қийматининг 0,5 % миқдорида «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеянинг умумий миқдори етказиб берилмаган махсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

6.3. Шартнома талабларида курсатилган, белгиланган сифатлардаги ҳамда бутланлиги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тулашига сабаб бўлади.

6.4. «Харидор» томонидан олинган товар ёки махсулот учун тўловлар уз вактида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пеянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортик бўлмаслиги лозим.

6.5. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки махсулотлар нархи юкори деб топилган тақдирда ортадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1 . Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик бўлмаган сабабларга кура ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Форс-мажор ҳолатларга: сув тошкини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошка табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тараф лар назорат қила олмайдиган бошка хар қандай ҳолатлар тегишлидир.

7.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тутрисида ҳабатга иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

7.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартномаининг ижросини бекор қилиш ёки қушимча ишро муддатларини белгилашлари мумкин.

8. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Узаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо иқтисодий суди орқали Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари асосида ҳал қилинади.

8.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги конун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8.3. Ушбу шартнома 2022 йил «03 февраль» дан 2022 йил «31» декабрь гача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошқармаси бўлимида белгиланган тартибда рўйхатдан утказилганидан сунг конуний кучга киради.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

« Сотувчи »

« Волида » фермер хужалиги

Манзил: Фарғона тумани Чекшура қишлоғи
Тел./факс: 8-595-404-59-52, 400-59-52
х/в : 20208000604119845001

Банк номи: АТ Халқ банки Тошкент шаҳар Бош амалиётлар Бошқармаси

МФО: 01125 СТИР: 203616024

ИФУТ: 01420 ККС: 330190054804

Раҳбар: Г.Сатторов.

Хукукшунос:

« Харидор »

Мактаб-интернат № 86
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Тешиктош овули Ф

Тел./факс: 73 244-10 49

ҳ/х/р 2020 0 8 0 0 1 0 0 4 1 1 9 8 4 5 0 0 1

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 2020 0 5 7 2 2

ИФУТ : 0220

Газначилик бошқармаси номи: Фарғона вилояти бўйича Газначилик бошқармаси (шаҳар, туман бўлинмаси)

ЯГХ: **23402000300100001010**

Банкнинг номи: **Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Хисоб - китоб хизмати маркази (ХКХМ)**

МФО: **00014**

Газначилик бошқармаси СТИРи: **201172919**

Раҳбар (ёки унинг ўрн.) (Ф.И.Ш)

Н. Раҳмонова

Н. Раҳмонова